

ТОШКЕНТ

Оқшомчи

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 36 (6. 825)

1989 йил 13 февраль, душанба

Баҳоси 3 тийин

26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

Сўнгги сўз—сайловчиларга

(Репортаж)

2512-автокорхона клуби. Эрталаб соат 10. Ҳали сайловдаги йиғилишнинг бошланишига бир соат вақт бор. Лекин зал одамлар билан гажум. Бугун бу ерда 596-Тошкент — Акмал Икромов территориял сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод кўрсатилган Клара Носировна Рустамова, Йўлдош Тожиевич Акбаров, Қодир Фозилович Фозилхўжаевлар билан сайловдаги йиғилиши бўлиб ўтади.

Ҳар учала номзод катта ҳаётий тажрибага эга бўлган турли касб кишиларидир. Уларнинг ўз йўли, характери, коллектив ўртасида етарли обрў-этибори бор.

Клара Носировна Рустамованинг номзоди шахримиздаги чарм-галантерей ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи томонидан кўрсатилган. У 1980 йилдан бери шу корхонада самарали меҳнат қилиб келади. Смена топшириқларини ҳамisha ортиғи билан адо этади. «Касб аълочилиси» унвони эга. Икки марта Октябрь район Совети депутатлигига сайланган. 1988 йилдан бери район партия комитетининг аъзоси, Меҳнат Қизил Байроқ орденининг кавалери.

Иккинчи номзод — Йўлдош Тожиевич Акбаров 2-автоклубинида такси ҳайдовчиси бўлиб ишлайди. Ун уч йилдан бери илгор бригадага бошчилик қилиб келади. Бу коллектив бир неча марта пассажирларга юксак маданий хизмат кўрсатиш бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда ғолиблик қилган. У XIX бутунитифок партия конференциясининг делегати. Акмал Икромов район партия комитетининг бюро аъзоси, 7-автоклуби партия ташкилотининг секретари.

Энди учинчи номзод — Қодир Фозилович Фозилхўжаев билан танишим. Номзоди «Беговот», Ульянов, Киров номи, «Шарк колдузи» маҳаллаларнинг аҳолиси томонидан кўрсатилган бу олимнинг фаолияти 1950 йилдан бошланган. У дастлаб ўқитувчилик қилди. Кейин аспирантурада ўқиди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошдаги Партия тарихи институтида ишлади. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олди. «Ҳурмат Белгиси» орденига сазовор бўлди...

Экономика: кеча ва бугун

Янги йилнинг иккинчи оғи ҳам ўтиб борапти. Экономика соҳасида бутун мамлакатимиздаги сингари шахримизда ҳам туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Саноат корхоналари тўла ҳўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида қандай иш олиб бормоқда! Шаҳар экономик-

Авалло, янги усулга мустаҳкам пойдевор қўйган ўтган йилнинг иқтисодий яқулирига қисқа бир «экскурсия» қилайлик.

Давлат буюртмалари ва тўғридан-тўғри истеъмолчилар билан тузилган шартномалар асосида маҳсулотлар етказиб бериш бўйича ўтган йилги шартнома мажбуриятлари 98,8 процент адо этилди. Агар 1987 йилга нисбатан таққосласак, бу 1,4 процент зиёдадир. Аммо истеъмолчиларга 52 миллион сўмча маҳсулотни мўлжаллагандан ҳам етказиб берганимиз афсусланарлиқ, албатта. Бу эса шаҳардан 23 та корхона «ҳиссасига» тўғри келди. Айниқса, «Среднеазбел» ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўқимачилик комбинати, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Таштекстильмаш» ва бошқа корхоналар коллективлари ўз ваъдаларининг устидан чиқа олмадилар.

Аммо биз бир қатор меҳнат коллективларини ҳам биламики, улар ўтган йилги қолоқликни мардондор енга олдилар. Масалан, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, заргарлик, грампластинкалар, темир-бетон буюмлари заводалари, Сергелидаги ёғочни қайта ишлаш заводи, дурдагорлик буюмлари, бинокорлик плиталари, енгил металл-конструкциялар заводалари ва бошқа кўпгина корхоналарнинг коллективлари ўтган йилнинг декабры ойда аввал йўл қўйилган қолоқликни бартараф этдилар, ва янги йилга ёруғ юз билан келдилар. Улар қаторида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бирлашган наشريети, 2-дон маҳсулотлари комбинати, гўзоз фабрикаси, пластмасса буюмлари ва маший химия заводалари борлиги қувончлидир.

Нега бу коллективлар қолоқликни ёриб чиқа олдилару нарги корхоналар бунинг уддасидан чиқа олмади! Бунинг сабаби кўп мураккабмас; кўпчилигида давр талаблари асосида ишлаб оладиган кадрлар етишмаётти. Баъзи корхоналар коллективлари эса ҳамон паст сифатли хом ашё ҳамда материаллардан, буюмлар ва деталларни етарлилик комплекти ҳолда олишга олаётганликларидан «азоби» чекмокдалар.

Экономикамизнинг кечаги ва бугунги кунига назар ташлаганимизда, яна бир манзарога дуч келимиз. Баъзи корхоналарда 1988 йилда 1987 йилга нисбатан товар маҳсулотни ишлаб чиқаришда ўсиш ўқда турсин, орқага кетиш ҳоллари бўлди. Булар — лак-бўёқ, агрегат, 2-ёғочни қайта ишлаш, енгил металл конструкциялар каби заводалардир. Агар бу корхоналарда силжиш бўлганида эди, шаҳарда ўсиш суръатлари янада юқори бўлиши шак-шубҳасиз эди.

Хўш, 1989 йилни қандай бошладик! Очғини, шартнома мажбуриятлари тузиш ишларида анча сустхаликка йўл қўйилди. Масалан, янги йилимизгача 143 корхона ва ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлар етказиб бериш бўйича шартномаларини тузиб қўйишлари керак эди. Лекин амалда бундай бўлмади. Маҳсулотнинг бутун ҳамжи бўйича фақат 64 корхона шартнома тузди, ҳолос. 54 корхона маҳсулотнинг ярим ҳажмига, 24 корхона эса 17 проценти миқдорда шартнома тузди. Ҳолбуки тўла ҳўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан

Энди яна диққатингизни йиғилиш залига тортамиз. Сайловчилар йиғилишининг бошланишини сабрсизлик билан кутишяпти. Мана ниҳоят ишчи президиум, раис сайланди. Биринчи бўлиб депутатликка номзод Клара Носировна Рустамовига сўз берилганда зал жимиб қолди. Қани номзод қандай муаммоларни ўртага ташларкин?

— Бизнинг Октябрь райониимиз ташкил этилганига яқинда 60 йил тўлади, — дейди у. — Шундай катта районда ҳаммаси бўлиб 35 тагина болалар бoғчаси борлигини нормал ҳол деб бўлмайди. Бунинг устига уларнинг деярли ярми тўла мослаштирилмаган эски типдаги биноларга жойлашган. Болалар майдончалари йўқ. Шунингдек, райониимизда соғлиқни сақлаш муассасалари, маший хизмат корхоналари етишмайди. Турар жой бинолари қурилишдаги сифатсизликлар кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу камчиликларнинг ҳаммаси кишини ташвишга солади, албатта. Шу ўринда бундай қурилишларни бунёд этиш учун маблағни қаердан олиш керак, деган савол туғилиши табиий. Биласизки, райониимизда корхоналар жуда кам. Лекин шундай бўлишига қарамай, бу корхоналарнинг кўпчилиги чет элга маҳсулот чиқаради. Улардан келадиган маблағларни эса мана шундай қурилишларга сарфлаш лозим.

Номзод ўртага ташлаган тақлифлари юзасидан сайловчилар ҳам ўз фикрларини билдиришди, қўшимчалар киритишди, уни қўллаб-қувватлашди. Депутатликка номзод Йўлдош Тожиевич Акбаров эса сайловчилар диққатини жамиятимизга турғулик йилларидан мерос бўлиб қолган бюрократик усулларга қаратди.

— Муаммоларнинг илдизи қаерда! Биз биринчи навбатда мана шу саволга жавоб топа билишимиз керак, — дейди депутатликка номзод Қодир Фозилович Фозилхўжаев. — Биласиз, пахта монокультурага айланиб қолди. Натижада боғлар, узумзорлар, сабзаовот майдонлари қамайиб кетди. Ахир халққа пахта қатори бошқа маҳсулотлар ҳам керак-ку! Ўйлаيمانки, бу ҳақда чўқур мушоҳада юритадиган вақт етди.

Еки шаҳар қурилишини олайлик. Кўплар Тошкент тенг план асосида қурилмоқда, деб ҳар солишяпти.

Бу гап тўғрими? Менимча, йўқ. Бунинг учун пойтахтимизнинг янги ва эски шаҳар қисмини бир-бирига таққослаб кўрайлик. Янги шаҳарда ҳамма нарса муҳайё. Чиройли ва бежирим уйлар, спорт иншоотлари, мактаблар кўркам биноларда жойлашган, магазин, маший хизмат объектлари, соғлиқни сақлаш муассасалари кўзни қамаштиради. Энди Тошкентнинг эски шаҳар қиёфасини бир кўз олдимиизга келтирайлик. Ҳеч бўлмаса, Сағбон ва Қорасарой кўчалари бўйлаб қурайлик. Афсуски, бу жойларда халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган барча нарсалар муҳайё деа олмаймиз.

Пенсионерлар шароити ҳам кўнгилдагидек эмас. Барча шароитлари яратиб беряймизми! Йўқ, албатта. Тўғри, пенсионерлар магазинларга бикритилган. У ердан ўзлари учун зарурий хазоажатларни қилишади. Лекин биргина шу билан иш битадими? Уларнинг халқ бахт-саодати учун қандай қурашганларини эсласак, бу кексалар олднда ҳали кўп қарздор эканлигимизни ҳис этамиз. Меҳнат қилишга қодир бўлган кексаларни иш билан таъминлаш керак. Шундай қилайликки, улар меҳнатларига яраша ҳақ ҳам олишсин, пенсияларини ҳам тўлиқ олишсин...

Сайловдаги йиғилиш қатнашчилари ҳар учала номзоднинг сўзларини диққат билан тинглашди. Уларга саволлар билан мурожаат этишди. Номзодлар томонидан билдирилган истакларга ўз қўшимчаларини киритишди.

Энди йиғилганларни «Хўш кимга кўп овоз бериш керак», деган савол қийнади. Йиғилиш аҳли номзодлар учун очик овоз бериш лозим, деган қарорга келди. Шундай қилиб К. Н. Рустамова — 59, И. Т. Акбаров — 58, Қ. Ф. Фозилхўжаев эса 56 овозга эга бўлишди. Уларнинг учалалари ҳам 596-Тошкент — Акмал Икромов территориял сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод этиб қўйилган олинди. Энди бу номзодлардан қайси бири кўпроқ сайловчилар хўрматига сазовор бўлганлигини эса 26 мартда бўладиган сайлов кўрсатади. Бу биринчи навбатда номзодлар учун ишонли кишиларнинг сайловчилар ўртасида олиб борадиган оммавий-пропаганда ва агитация ишларини бошлиқ Сўнгги сўз — сайловчиларга.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Техника шарофати

○ Ун иккинчи 5еш йиллиқнинг тўртинчи йиллини Тошкент ойна-мебель фабрикаси коллективи кўтаринки руҳда бошлади.

Бу ерда ўзаро социалистик мусобақа ташкил этилганлиги туфайли меҳнат унумдорлиги ўсди. 1989 йилнинг дастлабки ойи ҳисобида ана шундай қувончли натижалар қайд этилди.

Корхонада олиб бориладиган бир қатор ташкилий-

техникавий тадбирлар эриш-лаётган муваффақиятларнинг асосий омилли бўлмоқда. Фан-техника тараққийоти ютуқлари ишлаб чиқаришга мадал жорий этиб бориляпти. Механизациянинг роли тобора ортмоқда. Фабрикада яқинда ишга туширилган ярим автоматик линия кўл меҳнатини қисқартириб, меҳнат унумдорлигини 25 процентга ўстириш имкониятини берди.

Сифат—бош мезон

○ 1-ўйсозлик комбинатига қарашли 31-қурилиш бошқармасининг Д. Кабаев етакчилиги қилаётган комплекс бригадаси коллективи шу кунларда «Ғалабанинг 40 йиллиги» массивида 72 квартиралар турар жой биноси қуришда самарали меҳнат қилмоқда.

39 кишидан ташкил топган бригаданинг Ф. Каримов, Л. Иванов, Д. Бойбе-

ков сингари қурувчилари вақтдан ўзиб, теҳнакорлик ва сифат жонқуяри сифатида бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Коллектив «Сифат — бош мезон» шиори остида ишламоқда. Шунинг учун асосий эътиборни иш сифатига қаратишган. Бинокорлар ўр-тасида кўп йиллардан буён давом этиб келаётган шахсий меҳнат беллашуви ҳам ана шу асосда ташкил этилган.



Тошкентдаги ҳўжалик моллари экспериментал заводи маҳсулотларига бўлган талаб кундан кунга ўсиб борапти. Мазкур корхонанинг халқ истеъмол моллари бутун 130 ассортиментдан ошиб кетди. Кундалик ҳаётимизда кенг фойдаланиладиган бу товарлар савдо пештахталарида кўп ушланиб турмайди.

Корхонанинг умумий натижаларига мўносиб ҳисса қўшаётган пўлат қуюв цехи пешқадам коллективлардан саналади.

СУРАТДА: шу цех ишчиси Ҳасан Акбаровни қўриб турибсиз.

Т. Каримов фотолари.

● Ўзбекистон ССР Фанлар академияси микробиология институтининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати Тошхон ҒУЛОМОВА.

Замондошимиз



Бир корхона янгиликлари


ИШЧИЛАР УЙИ

○ТОШКЕНТ экскаватор ремонтни тажриба-механика заводининг ҳар бир ютуғи инсон омилига келиб тақалади. Қолаверса, ишчига яратилган қўлайлик салмоқли ютуқлар омиллидир. Хўш, корхонада бу масалада нима ишлар қилинапти?

— Корхонамиз коллективидан 126 ишчига янги квартиралар калити топширилди, — дейди корхона партия ташкилоти секретари Х. Араббев. — Биз давлат планларини бажариш билан бир йўла ҳар бир оилани алоҳида кватирга билан таъминлаш вазифасини ҳам изчиллик билан амалга оширмоқдамиз. С. Раҳимов районини Далабев кўчасида иккита 80 квартиралар, 9 қаватли турар жой биносига ишчиларимиз кўчиб кирмоқда. Бизнинг буюртмамиз асосида бунёдкорлик ишларини 2-ўйсозлик комбинатига қарашли 4-курилиш бошқармаси коллективи олиб борди. Биз 1990 йилда ана шундай уйлاردан ана бирини қўрмоқчимиз.

КОЛЛЕКТИВ МАНФААТИ ИҶЛИДА

○ ЗАВОД ҳовлисида икки қаватли, чиройли ишланган кўркам бино қад қўтарди. Бинонинг пардозлаш ишлари ҳам кишига



Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафтаннинг аксарият кунлари ёғингарчилик бўлмайди. Айрим кунлари туман тушади. Қарбодан секундига 5—10 метр тезликтида шомол эсади. Ҳаво ҳарорати ҳафтаннинг бошларида айниқса салқин: кечаси 10—15 даража совуқ, кундузи 1—6 даража совуқ бўлади. Сўнгра кунлар аста-секин исийди. Кечаси 2 даража совуқдан 3 даража исчиққача, кундузи 5—10 даража иссин бўлади. Ҳафта охирига келиб ёғингарчилик бўлиши, ҳаво ҳарорати пасайиши мумкин. Ҳафтаннинг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормага яқин бўлади.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физיותרалия илмий-тадқиқот институти медик об-хаво маълумотлари ва об-хаво таъсирининг олдини

олиш маркази мутахассисларининг фикрига қараганда ҳафтаннинг бошланиши ва охирида ҳавонинг кескин ўзгариши — ҳароратнинг пасайиб, атмосфера босимининг кескин кўтарилиши, осмонни булут босиб, ёғингарчилик бўлиши нохуш иқлимга хос бўлиб, салбий таъсир этиши мумкин. Бундай об-хаво шароитлари спастик реакцияларга мойил юракнинг ишемик хасталиги, бош мия қон томирлари ва яллиғланиши хасталиклари, нафас олиш ўпка системаси, бугин ва периферик асбб системаси хасталиклари бўлган беморлар тегишли комбинатцияларда оғриқни қолдирувчи препаратларни қабул қилишлари керак. Шу тоифадаги беморларга жисмоний зўриқиларни чеклаш, асббни эҳтиёт қилиш, баънеологик муолажаларни қабул қилиш тавсия этилади.

Бўгин ва периферик асбб системаси хасталиклари бўлган беморлар тегишли комбинатцияларда оғриқни қолдирувчи препаратларни қабул қилишлари керак. Шу тоифадаги беморларга жисмоний зўриқиларни чеклаш, асббни эҳтиёт қилиш, баънеологик муолажаларни қабул қилиш тавсия этилади. Об-хаво ўзгаришларига таъсирчан барча беморларга антивазоспастин препаратини қабул қилиш, оғқин иссиқ ваннага солиш, бош ва бўйинни кечқурун ва эрталаб массаж қилиш тавсия этилади.

Сўнгги соатда

● ВАРШАВА. Ҳозир қуролланиш пойгасини, айниқса ядровий қуролланиш пойгасини тийиб туршидан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Уртача ва калроқ олимпик ракеталарини тутатиш тўғрисидаги Совет — Америка шартномаси бу йўлдаги дастлабки қадам бўлди, деди ПХР ташки ишлар министри Тадеуш Олеховский. У Польшага расмий визит билан келган Швеция ташки ишлар министри Стен Андерссон шарафига берилган зиёфатда нутқ сўзлади. Польша мазкур жараёнлар чўқуришшидан жуда ҳам манфаатдор ва бунга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади. ПХР давлат кенгашининг раиси Войцех Ярузельский олга сўрган Европада қурол-проғларни қисқартириш ва ишончин мустаҳкамлаш плани ана шуни намоён этди.

Ягона ақсад — Европада тинч ҳаёт ва тараққийтнинг таъминлаш йўлида Польша билан Швеция биргаликда куч-ғайрат сарфлашлари зарур, деб таъкидлади ўзининг жавоб нутқида С. Андерссон.

● БОНН. «Ошкоралик» — Германия социал-демократик партияси шу кунларда уюштиратган махсус пассажир поезди шундай деб аталади. Поезд шу йилнинг сентябрийда Москвадан Совет Иттифоқининг Пермь, Омск, Новосибирск сингари катта шаҳарлари орқали Иркутскка боради. Ана шу ташаббусни бошлашдан асосий мақсад, деб таъкидланди бу ердаги матбуот учун тарқатилган хабарда, СССРда турмушининг барча соҳаларда рўй бераётган кенг миқёсли ўзгаришлар билан яхшироқ танишишдир. Сафарнинг катта проგრaммасида шаҳарларда узоқ муддат тўхташ, турли корхоналарга бориш, ишчилар ва хизматчилар, ижодкор зиниларнинг вакиллари билан учрашиш тадбирлари назарда тутилган.

● НЬО-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг мустақлақчилигини тутатиш махсус комитети ўзининг бу йил-

кўтаринчилик бахш этади. Бу бино ишчилар дам олиш маскани бўлиб, биринчи қаватида 50 ўринли чойхона, енгил тамадди қилиш учун буфет жойлашади, иккинчи қаватида эса кутубхона, кинозал, теннисхона мавжуд.

Корхона ҳовлисида яна бир катта қурилиш бошлаб юборилди. Бу—ишчилар соғлигини тиклаш учун профилакторий бўлиб, бир кунда 100 кишига хизмат кўрсатади. Бунёдкорлик ишлари учун 700 минг сўм маблағ ажратилган. Қурилиш ишларини «СПМК—5» коллективи олиб боришмоқда.

БУЮРТМА БАЖАРИЛДИ!

○ ЗАВОД коллективи ўз маҳсулотларига нафақат иттифоқимизда, балки ҳўржий мамлакатлардан ҳам буюртмалар олиб туради. Жумладан, Гвинея, Сурия, Афғонистон, Эфиопия қабиалар корхонанинг доимий миждозидир.

Яқинда корхона коллективи уларнинг буюртмаларини бажариб, сув ҳўжалиги учун янги агрегатларни юборди. Бу агрегатлар, яъни подьёмниклар тўғон кўтариш ишларини тез ва соз бажарди.

Д. ОБЛАЕВ.

Минг бир касб

Тошкент комсомоли

Кадрлар ўчоғи

Кўпгина ишлаб чиқариш корхоналарида малакали кадрларга бўлган эҳтиёж муаммоси ҳали ҳам давом этиб келмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлиб ўтган мастерлар кўнида ҳам асосий эътибор худди шу масалага қаратилди. Корхона ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида қарашли 16, 45 ва 58-хўнара-техника билим юртининг педагогика коллективи йиғилган бу давра суҳбатида тўқувчи-ўқувчилар кадрлар тўплаш ва уларга таълим-тарбия бериш ҳусусида фикрлашди.

2-фабрика цех бошлиғи В. Маркаев ўз коллективида амалий практика ўтаётган ёш тўқувчилардан хурсандлигини таъкидлар экан, улар икки йилдан сўнг кетиб қолишмаслигини, деган шубҳасини ҳам яширмади. Ҳамма гап ҳам шундади. Ўқувчиларни у қиламиз, бу қиламиз, деб билим юртга жойлаштириш, оқибати билан оғриқ бўлиши мумкин ҳам эмас. Шун бунча кадрлар етказиб берилгани, бас. Кейинчалик ишчи коллективи уларни қандай қабул қилиб олади, иш жойида қолайми, кетганими бу ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Афсуски, мастерлар кўни деб ўтказилган мазкур тадбирда ҳам бирор-бир конкрет қарор белгилангани йўқ. Муҳими, маҳаллий кадрларга эътибор масаласи умуман четда қолиб кетди. Ваҳоланки, билим юртига ўқувчилар нимагадир шаҳардан эмас, кўпроқ район ва қишлоқлардан жалб қилинади. Тошкентдаги мазкур ўрта мактабларда ўқувчилар эътибори корхонага етарлича жалб қилинмайдиган. Мазкур масала бўйича биргина 176-мактабда бўлганимизда ҳам худди шу эътиборсизлиkning гувоҳи бўлидик.

Мактабда ўқув-тарбия ишлари билан биргаликда болаларни эртароқ ҳунар эгаллаб олишлари учун талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Ўқувчилар комбинат билан танишибгина қолмасдан 9—10 синфларда ўқув ишлаб чиқариш практикаларини шу ерда ўтказадилар. Айниқса, асосий тўқувчилик касби ҳисобланган қалавалаш ва йиғирини ҳунарларини чуқур эгаллаб оладилар. Кейин комбинатга иш-

га бормайдилар, сабаби оддий. Қуни кеча корхонада экскурсияда бўлиб қайтган 7-синф ўқувчиларининг гапларидан ҳам бунин билса бўлади.

— Цехлар шовқин экан.
— Ҳаммаёқ чанг.
— Одамларнинг ишида қизиқиш сезилмайди.

Пардозлаш фабрикаси комсомол комитетининг секретари, ёш коммунист Р. Хасановнинг номи мактаб коллективида хурмат билан тилга олинади. Мактабда ташкил этиладиган турли кечалар ва тадбирлар Равшанининг иштирокисиз ўтмайди. Умуман, фабрика комсомол комитети билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Аммо нима учун ўқувчилар тўқувчилик касбини танлашни истамайдилар?

Юқори синф ўқувчилари корхонада ишлаб жараёнда бу ердаги меҳнат жараёни билан янада яқинроқ танишадилар. — дейди мактабнинг ташкилий ишлар бўйича директор ўринбосари Э. Ҳуснутдинова. — Улар тикуч, трикотаж, пойафзал фабрикаларига бориб ишлашни мулкжаллашати, лекин комбинатга эмас. Очиги, бу ерда меҳнатга ҳақ тўлаш ўқувчиларимизни қониқтирмайди. Гашининг далили учун қуйидаги фактни келтироқчиман. Ўтган йилнинг ўрталарида мактабимиз ўқувчилари корхонадан олинган чиқиндиларини қайта ишлаб топширдилар. Минг донадан зиёд ишланган рўмолчаларга 46 ўқувчининг меҳнати сингди. Бу рўмолчалар каштачилик усулида ишланган бўлиб, кўп меҳнат ва вақтни талаб қилади. Болаларимизнинг мана шу ишларига 15 сўм ҳақ тўланади. Шундан сўнг ўқувчиларимизнинг бирортаси чиқинди матоларни қўлга олишга ҳарасала қилмадилар.

Хуллас, барча ишлаб чиқариш корхоналарида ўз талаблариди мактаблар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмас экан, маҳаллий кадрларга бўлган эҳтиёж масаласининг ижобий натижаси ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ф. ҲУСАНОВА.



«Шарқ гули» Тошкент бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти коммунист Халима Жонабидовани област партия конференциясига делегат қилиб сайлаган эди. Халима бугун конференцияда олдинта сурилган масалаларни коллектива кенг

тарғиб қилмоқда. Пешқадам ишчи ўзи меҳнат қилаётган ишнинг дехининг юқори натижаларга эришишга муносиб ҳисса қўшапти. Корхонада 12 йилдан буён ишлаётган Х. Жонабидова: смена топшириқларини ортиғи билан бажармоқда.

Илгариги мавзуга қайтамыз

Яна навбат ҳақида...

Социологларнинг фикрича, навбатлар уч сабабга кўра пайдо бўларкан: биринчиси, маҳсулотнинг етишмаслигиндан; иккинчиси, одамларга нисбатан ҳурматсизликдан ва учинчиси, бошқарувдаги бошбошдоқлик ва уқувсизлик, янги технологиянинг йўқлигидан. Социологлар ўз фикрларида нечоғлик ҳақ эъқаликларини билиш мақсадида сафарга чикдик.



Бензин излаб

Ганнинг очиги, сафаримизнинг бошидаёқ қутулмаган аммо социологларнинг фикрини тасдиқловчи фактга дуч келдик. 4-АЗСга борганимизда ёзмоқчи бўлган мавзунимизнинг аксини кўрдик. Тағин, бу ерда иш зўр ташкил этилган эканда, деб хурсанд бўлмадик. Негаки ортиқча ташкилотчилик қилишга ҳождат ҳам йўқ. Сабаби... бу ерда тошкентлик автомобил ҳайдовчилар учун «анқоннинг уруғи» бўлиб қолган 93-маркали бензин йўқ эди. Шунинг учун

ҳам фотомухбиримизнинг навбатда турганларини эмас, балки «саълат тўқиб» турган бензоколонкаларни суратга туширишдан бошқа иложи қолмади. Нима учун йўқ, деган саволимизга мастер Сайджон Қўрбонов ва оператор Қўблжон Абдуқодировлар «Нефтебаза бермапти» деб қўй қолдишди. Нима ҳам дердик, биринчи сабаб тўғри экан. Чунки қачон ва қайси АЗСга борсанг навбат кутаётганлар кўп бўлса ўша ерда «93» сотишяётган бўлишди.



Поликлиникада

Бу суратлар шахримиз марказидаги 14-поликлиникада олинган. Ҳа, минг афсуски, навбат деган иллат одамлар нажот излаб, қўмак излаб келадиган ана шундай муқаддас даргоҳга ҳам ин қурган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, асарият ҳам-шаҳарларимиз поликлиникаларга боришдан безиллаб қолган. Афсуски асарият медицина ходимлари бунин билишса ҳам ўзларининг ишлари талаб даражасида эмаслигини тан олишлари келмайдиган. Фотомухбиримизнинг суратга олганини эшитган бош врач Ҳолида Мақсудованинг ҳам қаттиқ жаҳли чиқди. Менинг рухсатимсиз ва беморлардан неча минут йўқ.

Ўтирганини сўрамай туриб суратга олишга ҳақингиз йўқ. Ҳозир бизда райкомдан комиссия келиб текшириш ўтказаяпти, — деди у ва комиссия аъзоларидан бирини қазириб устимиздан шикоят қилди. — Бу мухбирнинг суратга олишга ҳақини йўқ. Ҳозир редакцияга қўнғироқ қиламан...

Ҳолида Мақсудова айтмас ҳам биз навбатда турганлардан сўраб улургандик. Бу ерда келганимга 40 минут. — 1 соатча бўлиб қолди, — дейди бемор Ҳаббаева опа Алимова. — Қоп бошимни ошиб зўра келганим, энди баттар бўлидим. Ҳа, бу ерда изохга ҳождат йўқ.



Маиший хизматда

Ушбу суратлар Марказий универсал магазини ёнидаги маиший хизмат шаҳарчасида олинган. «Техсложбитприбор» бирлашмасига қарашли фотоаппаратлар ремонт қилинадиган устaxonага соат 14-у 30 да таширди буюрдик. Суратда кўриб турганимиздек устанинг тушлик оқат вақти 13 дан 14 гача экан. Бироқ биз борганимизда у ўз ўрнида гўё «мен ишдаман» дегандек кийимини қолдириб кетибди. Ёнида ўтирадиган соатсоз устадан

ҳамхонасининг қаердалигини сўраганимизда у: «Шеритим истаган пайтда тушлик қилиши мумкин», деб жавоб берди. Афсуски вақтимиз зикрлигидан бизга фотоаппаратчи устани кўриш (гарчи устaxonадаги соат миллари ҳам 14-у 30 ни кўрсатиб турган бўлсада) насиб этмади.

Поликлиникада ва маиший хизмат шаҳарчасида кўрганларимиз иккинчи сабабнинг ҳам тўғрилигини тасдиқлаб турибди.



Учинчи сабоқ

Социологларнинг фикрича, навбатларнинг 70 проценти сунъий тақчиллик, яъни маҳсулотларни гаразли, аниқроғи жинояткорона мақсадда, бойлик орттириш ниятида яшириб қўйилиши оқибатида пайдо бўларкан ва бунин улар иккинчи, одамларга нисбатан хурматсизлик сабаби билан боғлалдилар. Таассуфки, уларнинг бу фикрини тасдиқлаш учун қўллаб-қувватлаш мумкин. Мисол учун Акмал Икромов район халқ кўнтрлати комитетининг ишчи назорат группаси билан ўтказган рейд натижаларини олиб кўрайлик. Назоратчилар бир кунда 36 магазин ва 15 умумий овқатхона корхонасини текширишган. 17 жойда улар савдо қондларининг қўпол бузилганлигини аниқлашган. Ҳўмладан тортига қарашли 53-магазин мўдур Нажимов нархи 1 сўм 40 тийин бўлган икки жуфт болалар колготкаси ва Французда тайёрланган ҳар бирининг нархи 10 сўм бўлган беш жуфт аёллар колготкасини ўз

сейфига яшириб қўйган. 26-озик-овқат магазинида 300 килограмм қайнатилган колбасани пештахтага қўйишни қондларининг қўпол бузилганлигини аниқлашган. Ҳўмладан тортига қарашли 53-магазин мўдур Нажимов нархи 1 сўм 40 тийин бўлган икки жуфт болалар колготкаси ва Французда тайёрланган ҳар бирининг нархи 10 сўм бўлган беш жуфт аёллар колготкасини ўз

МУВАФАҚИЯТ ГАРОВИ

Фарғонадаги Турсунқулов номидаги колхозда машина механизатор графикадан ўзай ремонт қилинмоқда. Бу ерлик механизаторлар экин агрегатларини тиклаб бўлдилар. 28 та ҳайдов ва 54 та чопиқ трактори, 26 та чигит сепкаси ишга тахт қилиб қўйилди. Бошқа деҳқончилик асбоблари ҳам тартибга солинди.

Барча босқичлардаги ишларнинг пухта ташкил этилган.

Муаммонинг ечими борми?

Ҳўш, бу иллатдан қандай қутулиш мумкин? Бу саволга ҳар ким ўзича жавоб изламоқда. Масалан, Шекининг шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бирон нарса харид қилиш учун эл қароти навбатда тура бошлаганидан сўнг шаҳарда навбатда турганлар сонин икки баравар қисқарган. Баъзи кириш корхоналарининг раҳбарлари эса ишчи ва хизматчилар иш вақтида гўш ёки шакар қидириб магазинга-магазин чопишмасини, телевизорни тузаттирмаган деб устaxonага саниқиб юрмасин деб ўзларига тегишли завод ва фабрикалар территориясига да магазин очилган, маиший хизмат ташкил этишган. Лекин навбат бу билан қалайиб қолган йўқ. Ҳар кунин минг-минглаб уруш ва меҳнат ветеранлари, муниқиллаб қолган оталаримиз ва оналаримиз, эми-экили болаларинин бағрига босган оналаримиз ва сингилларимиз, аёлларимиз гўш, суюм, болалар колготкаси, кийим-кечак қидириб сарсон-саргардон бўлишмоқда. Шакар, сут-қатик, автобус, трамвай, троллейбус кутиб олтига тенг қимматли вақтларини эмас — умрларини сарфламоқдалар. Ҳаттоки ўша аҳолиси Тошкентнингидан ўн баравар кам бўлган Шекининг шаҳарда ҳам навбатларнинг «узунлиги» икки баравар қисқаргани билан бутунлай йўқ бўлмаган.

Шундай экан, нима қилиш керак, гап нимада ўзи? Гап шундаки, навбатга қарши бу иллатни келтириб чиқарганлар эмас, балки унга мутлақо алоқаси йўқ бўлган табиббосқор кишиларгина қурбанишмоқда. Яна гап шундаки, бу қўсқор иқтисодий-маиший ҳаётимизда нақадар чуқур илдиз отганини тўлиқ аниқлаб етмаганимизда, омиборхоналарда, музоналарда маҳсулотлар ириб ва чириб кетаётган бир вақтда узундан-узқ навбатларнинг пайдо бўлаётганига конкрет ким айбдор

● **ХАРАВЕ.** ЖАРДан олинган хабарларга кўра, қамчин ва қалтаклар билан қуролланган полициячилар дўшана кўни Африканинг Боханесбург яқинидаги Соу-эти-э-де-ла-монтаж мактаб ўқувчиларининг ирқчилликка қарши на мойишини тарғатиб юбордилар.

Геттонинг ўнлаб ёш аҳолиси жароҳатланган. Бир йил муқаддам охрона томонидан ўлдирилган студентлар активи Сиело Дхлмо хотирасини ёд этиш учун миндан ортиқ бола ва ўсмир қўлланган. С. Дхлмо Америка телевидениеси суратга олган «Аппартеид бола» телепрограммасида иштирок этганлиги тўғрисида маъмурият рабабига дучор бўлган эди.

● **ДЕЖЛИ.** Хивистон жамоатчилиги қаттиқ ташвишга тушиб қолди. Борган сари қўллаб-қувватлаш турмушга чиққан аёллар устларига кerosин қўйиб, ўзларини ёндириб юбормоқдалар ва даҳшатли азоб билан нобуд бўлишмоқда. Хотин-қизлар ташкилотларининг маълумотларига кўра,

ИНДЕЕЦЛАРИНИНГ РИЗҚ-РҒЗИ

Мексиканинг жазираси Маскатель саҳросида ўсадиган ағаво дарахти индеецларнинг отоми қабиласи ҳаётида жуда муҳим роль ўйнайди. Маҳаллий аҳоли унинг шарбатидан дори-дармонлар ва пўльке деб аталган, ташналикни янчилик қондирадиган ичимлик тайёрлайди. Бундан ташқари ағаванинг япроқларидан ёқилган ва қуриштирилган материал сифатида ҳам фойдаланилади.

ҚАДИМГИ ҚўЛ ГРАНАТАЛАРИ

Қўл гранаталари жанговар қурулнинг бир тури сифатида XVI асрда, Европа мамлакатларининг армияларида пайдо бўл-

телевизорни ҳам студентлар ахтиёрига ўтказдик. Яна факультетларнинг ётоқхоналарини 10 дона таъминладик. Бундан ташқари маданий ва маиший шароитларини яхшилаш учун қилинган ишларнинг бир қисминдир.

Кейин ҳар бир ётоқхонада алоҳида бир хонани янғозлаб у ерга чойнак-пнёл-самовар қўйдик. Бундай маданий дам олиш хоналарида ўша ётоқхонада истиқомат қиладиган талабалар, студентлар советининг аъзолари тез-тез йиғилишиб, бир пиёла чой устида ўзларини қизиқтирган масалалар, ётоқхонадаги муаммолар, ва ўқинишдан бўш пайтларда дам олишни қандай ташкил этиш ҳусусида давра суҳбатлари уюштириб туришди. Бу давра суҳбатларида кўтарилган масалалар эса тез орада институтнинг бирлашган студентлар совети ва комсомол ташкилоти ёрдамида ҳал этилади. Ўз вақтида кўтарилган ва ечилган муаммолар талабаларнинг ўқиниш ва дам олишларида самарали таъсир қилмоқда.

А. ДАМИНОВ.

Республика бўйлаб

лиги техника ремонтни суръатларини жадаллаштиришни таъминлади. Бу ерда керакли ахтиёт қисмларини олдиндан галлаб қўйишди, участкаларини ремонтчи ва механизаторлар ўртасида малакасига қараб тақсимлашди. Хўжаликда одамларнинг маиший турмуши тўғрисида ҳам ҳамхўрлик қилинди: ремонт ишерида машгул бўлган барча кишилар учун бепул иссиқ овқат ташкил этилди, дам олиш хонаси доимо иссиқ ва шинамдир.

Энди ремонтчилар қолган машиналарни тайёрлашга киришдилар. Тийиқ ушбу иш яна бир марта пухта текшириш ва соғлаш учун механизаторларнинг фурсати бор.

ИЖАРАЧИЛАР ГРАФИГИ

Сирдарё областидаги «Ленин йўли» совхозидан Холтой Умрзоков бериладиган ёзғолари даладини тез, пухта ва сифатли қилиб текислаб, шўрлини ювишди. Деҳқонлар ўз ихтиёрига 200 гектар ерни, шунингдек барча усунуларни бўлган бешта тракторлар олган қолда бу ишларни «Ижарачилар сифатида бажаришди».

20 кишидан иборат ўнча катта бўлмаган маъмур коллектив дарҳол бошқа операцияларни бажаришга киришди. Механизаторлардан Ш. Ҳайитов билан Х. Сафаров техникани ремонт қилишга киришди. Қолган кишилар тўғрисида, ариқ-зовурларни тозалашмоқда. Хуллас, ишчи омилок билан бошладилар.

Дастлабки ҳосилини бригада ёз бошларида олиши — бу ерда 35 гектар майдонга кузги бугдой экилган. Сўнгра эса асосий экин — гўзага ишлов беришга киришадилар.

ЎЗАТГ мўбирлари.

Жаҳон шаҳарларида

1983 йилда 427 аёл ана шу социал офатнинг қўрбони бўлган. 1987 йилда эса 1639 киши шундай ўлимга дучор бўлган. Бундай даҳшатли қадимнинг асосий сабаби одадга янги оиланинг таъмагирилиги, жуда катта сеп талаб қилиши эканлиги сир эмас. «Кейинги вақтларда қучайиб кетган манфатпарастлик, маънавий қашпоқлик, анъанавий қадриятлардан четиниш» қадриятнинг илдизи айнан шундади, деб ёзади «Пётриот» гезети.

Психолог, мутаассислар бошқа сабабларни ҳам кўрсатишмоқда. Уларнинг кўпчилиги одамларнинг шаҳардан қишлоққа тез ўтиб кетаяётганини, турмуш негизларининг ўзгараётганини билан боғлиқ. Социолог Г. Рэй яқинда эълон қилинган тадқиқотида «аъқидлашчи, шаҳарларда қўнча маълумотга, малакага эга бўлган аёллар оиланинг турмушга чидаб беришга, янги даҳшатли қадим қўнчишмоқда. Уларнинг маънавий даражаси, талаб-эҳтиёжлари умуман патрархал ҳинд оиласига мос бўлмаган қолган. (ТАСС).



ган, деб ҳисоблар эди. Эронлик арсеологлар Бандар-Аббос (қадимги қалъа-шаҳар Гармозия) яқинида, Форс кўрфазига соҳилларидан олиб борган қазилма ишлар натижасида қизилқарнай катлауотлар қўлга кiritилди. Ҳўмладан, шакар билан лимонни эслатуғини, пишитилган лойдан ясалган қўлдан-қўл идишлар топилди. Уларнинг юқори қисмида торрқ бўғзи бўлиб, ички деорлариди катрон моддаларнинг излари қолган. Улар Алекс-сандр Македонский аскарлари Гармозияни штурм қилишда қўлдан қўл гранаталари бўлиши керак, деб тахмин қилишмоқда.

Фаррух РАҲИМОВ.
Т. Каримов фотолари.

«ХАДЯ» СЕРВИС-ФИРМАСИ ХИЗМАТИНГИЗГА МУНТАЗИР!

Тошкент шаҳрида шаҳар ижроия комитетининг Умумий оқатланиш бош бошқармаси ҳузурида кооператив асосда «ХАДЯ» СЕРВИС-ФИРМАСИ яратилди ва бу фирма шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонларига кўрсатиладиган қатор хизматларни ўз зиммасига олди.

Сизнинг истагингизга биноан, «Хадя» сервис-фирмаси яқинларингиз, таниш-билиш ва туғишганларингизни юбилей саналари ва бошқа байрамлар билан муборакбод этади.

Ватанимизнинг исталган бир бурчагида яшовчи аҳоли — ҳоҳ Украина бўлсин, ҳоҳ Болтиқбўйи, Сибирь ёки Закавказье ўлкаси бўлсин, Ўзбекистон пойтахтида истиқомат қилувчи қондош-жондошларини ва таниш-билиш, ёр-дўстларини «Хадя» сервис-фирмаси ёрдамида фойдаланиб, табриклашлари мумкин. Бунинг учун фирма адресига телеграф ёки почта жўнатмаси юборилади, бунда кимни ва нима билан қутлаш лозимлиги, табрикнома жўнатилиши керак бўлган почта индекси ва адрес кўрсатилади.

«Хадя» сервис-фирмасининг адреси: индекс 700100, Тошкент шаҳри, 1040-почта қутиси.

«Хадя» сервис-фирмаси 25 сўмлик ва 40 сўмлик совғаларни ташкил қилади.

25 сўмлик совға таркибига чиройли гуллардан тузилган аюбой гулдаста, байрам торти ва бир шиша «Советское шампанское» ичимлиги киради, 40 сўмлик совғаси бир сават гул, байрам торти ва бир шиша коньякдан иборат.

Ёзма хабарингизда гулларнинг номи ва миқдори, совғанинг қийматини ва бошқа истақларингизни кўрсатсангиз, бу эса ўз навбатида «Хадя» сервис-фирмасига сизнинг талабларингизни қўнғилдагидек бажариш имконини беради.

Мабодо, табриклаш соатини кўрсатиш ёдингиздан чиққан бўлса, «Хадя» сервис-фирмаси бу хизматни иш кунларида соат 18 дан 20.00 гача ва дам олиш ёки байрам кунларида соат 16.00 дан 19.00 гача бўлган вақт орасида (фирманинг имкониятига қараб) ёки бошқа қўлайроқ пайтда бажаради.



ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ
УМУМИЙ ОҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-11-22).

ҲАМ ПРОИГРИВАТЕЛЬ, ҲАМ МАГНИТОФОН

«ВЕГА-119-СТЕРЕО»


магнитоэлектронининг янги моделида муваффақиятлар тарзда уйғуллашиб кетган.

«ВЕГА-119»нинг биттагина корпусида Польша Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган юқори сифатли проигриватель, Венгрия Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган магнитофон приставкаси ва кучайтиргич жамланган. Шунингдек, чиқариб олинганда иккита 25 АС-109 акустик системаси ҳам мазкур комплект таркибига киради.

«ВЕГА-119» аввалги моделлардан автостоппи янги лента узатиш механизми, ленталар типини автоматик равишда ўзгартирувчи переключатели, динамик шовқин пасайтиргичи, хотира ва катод люминесцентли индикаторига эга бўлган лента метражнинг электрон сўчтиги билан тубдан ажралиб туради.

«ВЕГА-119»-СТЕРЕО» ҳар қандай музикали программаларни сифатли, тез ва қўлай тинглаб кўриш ва ёзиб олиш имконини беради.

Баҳоси — 633 сўм.



БЕРДСКДАГИ «ВЕГА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Реклама ва эълонлар

Тошкент 1-уйсозлик комбина-
ти касабаси союз комитети

«УЙСОЗЛИК» МАДАНИЯТ
САРОИИ
директори вазифасига
КОНКУРС ЭЪЛОН
ҚИЛАДИ

Давъотлар олий махсус
маълумотта, камида 5 йил-
лик иш тажрибасига, ташки-
лотчилик, амалий, клуб, ту-
гарак ва музика ишлари бў-
йича иш стажига эга бў-
лишлари лозим.

Конкурсга ҳужжатларни
топириш муддати — эълон
чиққан кундан бошлаб 20
кун.

Адрес: 700146, Тошкент
шаҳри, Қурилиш кўчаси, 1-
уй. Телефонлар 90-43-81,
90-41-33.

«ПРИБОРЛАР ВА
ҲИСОВЛАШ ТЕХНИКАСИ»
САЛОНИДА

14 февраль соат 10.00 да

«Шартнома мажбурият-
лари», сотиш ва моддий-тех-
ника таъминотини назорат
қилиш ҳамда бошқаришнинг
автоматлашган системалари»
мавзусида

СЕМИНАР ЎТҚАЗИЛАДИ

Новосибирск «Система»
илмий ишлаб чиқариш би-
рошмаси мутахассислари док-
лад қиладилар.

Барча қизқичувчи мута-
хассисларни семинар ишида
қатнашишга таклиф этамиз.

Адрес: Тошкент шаҳри, Г.
Ғулом кўчаси, 2-уй (4, 9,
11-трамвайларнинг «Оқтепа»
бекати). Справкалар учун
телефонлар: 78-02-38, 78-40-
43.

Ўзбекистон ССР Нефть
маҳсулотлари давлат
комитетининг
ЎРТА ОСИЕ МАГИСТРАЛЬ
НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИ
КОРХОНАСИ
1989 йил 3 мартда
корхона бошлиғи вазифасига
САЙЛОВ ЎТҚАЗАДИ

Конкурсда олий техник
маълумотта, шу соҳага яқин
бўлган амалий иш тажриба-
сига эга бўлган ва раҳбар-
лик лавозимларида камида 5
йил ишлаган кишилар қат-
нашиши мумкин.

Ҳужжатларни топириш
муддати — 1989 йил 16
февралгача.

Адрес: 700047, Тошкент
шаҳри, Куйбишев кўчаси, 16-
уй.

ИНГЛИЗ ТИЛИ
ЎҚИТУВЧИЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
МАДАНИЯТ САРОИИ

Буюк британиялик инглиз
тили ва адабиёти мутахасси-
си Жонатан Уэтан билан
хамкорликда

«МУАЛЛИМЛАР УЧУН
ИНГЛИЗ ТИЛИ»
бир ойлик курсларига
чекланган

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар 1 мартда
бошланади.

Адрес: Тошкент шаҳри,
Олий ўқув юрлари шаҳар-
часи, ТошДУ Маданият са-
ройи, 41-хона. Телефон:
46-39-55.

КИТОБСЕВАРЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳридаги ки-
тоб магазинларида
топирилган макулатура,
эвасига берилган талонлар
бўйича

КИТОБЛАР СОТИЛМОҚДА

Шу йўл билан А. АХМА-
ТОВНИНГ «ТАНЛАНГАН
АСАРЛАРИ»ни сотиб оли-
шингиз мумкин.

Талонларнинг амал қилиш
муддати эълон чиққан кун-
дан бошлаб бир ойдан сўнг
туғайди.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР
КИТОБ САВДОСИ БУЛИ-
МИ.



Ёш талантлар санъатимиз келажиги ҳисобланади. Улар
учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган. Мана бу
суратда ёш раққосларнинг машқ ўтказиш вақтига тасвир-
ланган.

С. Михайлов фототюди.

Жамият ва қонун

БОСҚИНЧИ

«ҲИСОВЧИЛАР»

Ҳамшаҳарларимизни ке-
инги пайтда содир бўла-
ётган босқинчилардан огоҳ
этишмоқчимиз. 26 январь кун
Т. Шевченко кўчасидаги
уйлардан бирида яшовчи
гражданка Б. И. хона-
донига ўзларини аҳолини
руҳхатга олиш ҳисовчилари,
деб таништирган кишилар
киришди. Уй эгасининг 10-
синфда ўқиётган қизига пи-
чок ўқитиб, боғлаб кўйиш-
ди. Сўнг «Панасоник» маг-
нитофони ва 12 дона билдур
қадашчи олиб жўнаб қолди-
ди.

Бу воқеадан бир кун ил-
гари Павлов — Жуковский кў-
часидаги уйлардан бирига
икки «ҳисовчи» таширф бу-
юрди. Қўлларига ручка ўр-
нита пичок пайдо бўлган бос-
қинчилар хонадон соҳибаси
Н. М.дан исирга, ЎРДА
ишлаган магнитофон, сви-
терни тортиб олишиб, кўздан
ғойиб бўлишди. Жиноятчи-
ларнинг белгилари: биринчи-
си: ўзбекча ўқшайди, 30—35
ёшларда, бўйи 168—170
см., тулалар келган, қорача,
кичирқок мўйлов бор, тел-
паги, шими ва этиги қора
рангда. Иккинчиси русча
ўқшайди, 30—35 ёшларда,
бўйи 170—175 см., озгин,
оқ кулранг куртка, ши-
ми ва этиги қора рангда.

Шуни эслатиб ўтмоқчи-
миз, аҳоли руҳхатини ҳи-
собга олиш 19 январь кун
туғалганда. Ҳисовчи қиёфа-
сига «квартирата» қилишга
урнабётган шахсларга эш-
ик лутфган очиб кўйишнинг
ҳожати йўқ.

ХУШЕРЛИК МАНБАИ

Қўйлик — 4 масивдаги
183-болалар богчаси коро-
ли баданнинг спиртли ичим-
лик билан қизибриб олган,
хушёрлиқни оширган ҳолда
объектни ёмон кўзалардан
асрашга тушди...

Эрталаб кишиб кетган
қовоқларини аранг оғанда,
кимдир тунда эшик ойнасини
сугуриб, богчанинг 356 сўм-
лик буюмларини ўмариб ке-
тиб бўлганди.

«Армен» кооперативи иш- чиси П. Павловнинг ўзига хос ишқибозлиги бор. Қа- рангки, меҳри эшик бузишга тушди. Яқинда у Куйби- шев район ички ишлар бўли- ми идоралардан ташқари соқчиллик бўлимининг 4- марказлашган соқчиллик пуль- ти ходимлари томонидан ЖЭК ертўласида ушланди. П. Павлов магазин билан умумий деворга эга бўлган хона эшигини қўчираётган экан.

ТУНГИ ШАРПА

Тунги савт бирларда Ж.
Обидова кўчасидаги уйлар-
нинг бири ҳовлисида турган
ғарах томида қонмақдун шар-
па пайдо бўлди. Эҳтиётли
билан темир томи қайириб
ўзини ичкарига ташлаган
ўғри А. Х.га қарашли
машинадан эҳтиёт гилдирак,
«Урал-авто» радиоприйём-
ни, «Родстар» магнитофони
ва орқа пелювини ўмариб
кетди. Қидирув ишлари на-
тижасида тунги шарпа Ўзе-
бекистон ССР Жиноят кодек-
сининг 120-моддаси 1-қисми
билан судланган 3. Расулов
эканлиги аниқланди. Ўзини
Тошкент автомобилъ транс-
порти ва йўлларни ниситуту-
ни 1-курс студенти деб
таништирган 3. Расуловдан
далилий ашёлар топилиди.
«Алгоритм» масивиндаги
квартиралардан бирида яшов-
чи Г. У.нинг ҳам «Шарп»
магнитофони, 7 хил уст-боши,
5 хил сариқ металлдан иш-

ланган буюмларини ўғир- лаб кетишди. Балкон орқали уйига кирган ўғирлар тутил- ди. Ҳеч қасерда ишламайдиган Р. Мусин ва хунар-тех- ника билан юрти ўқувчиси А. Холқовлар қилмишлари- га иқдор бўлишди. Ўғирлан- ган буюмлар қайтариб оли- нди.

РЕЙД ДАВОМ ЭТМОҚДА

Миллиция, соқчилни сақлаш
ходимлари кенг жамоатчи-
лик иштирокида суюқдоғ-
лик билан кун кечираётган
аёлларни аниқлаш мақсади-
да ўтказилаётган рейдлар-
ни давом эттиришмоқда.
«Россия» меҳмонхонасининг
223-хонасида Қашқадарё
область Китоб райони Охун-
бобоев совхозидagi магазин
мудир Р. Тўраев билан Д.
Я. вақтинч ўтказаетган
экан. Текширишда Д. Я. да
таносил касаллиги аниқ-
ланиб, касалхонага ётқизил-
ди.

Рейд давомида оғир юкум-
ли касаллиги бор 4 нафар
аёл даволаниш учун махсус
муассасаларга жойлаштирил-
ди.

ЭСКИ ОДАТНИ

ҚЎЛЛАДИ

Уфатчилик оқибати шу
қадар хуноқ туғатиш мумкин-
лигини билганда «Ўзбекхлоп-
комаш» ишчиси Б. Тожиро-
ев ҳамкасбларини уйига так-
лиф қиларди? Бир неча
март судланган А. Кости-
лев У. Сангиров билан жан-
жаллашиб қолди. Низоини
тинч йўл билан ҳал қилиш
ўрнига ички олган А.
Костилев эски одаднинг қўл-
лади. Пичок зарбасидан оғир
ираланган У. Сангиров воқеа
юз берган жойда нафот этди.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН
ҚИДИРИЛМОҚДА

1972 йилда турган Баур-
жон Жуманович Тулбасев
қидирилмоқда. У Сирдарё
область, Ворошилов район
К. Маркс номида колхоз, 15-
уйда яшарди. 1988 йил 12
май кун 38-хунар-техника
билим юрти ётоқхонасидан
чиқиб кетган ва дом-дарак-
сиз йўқолган.

Белгилари: бўйи 135—140
см., кўзалари қисққ ва кул-
ранг, сочлари туқ сариқ ка-
та қилиб олинган, гавдаси
озгин.



Уст-боши: оқ шим, оқ кўй-
лакда эди.

Ўзини гувоҳ бўлган ин-
новатлар, уларни содир этган
шахслар, шунингдек ўғир-
ланган буюмларни сотаётган
ёки сотиб олаётган кишилар,
дом-дараксиз йўқолганлар
қақиди маълумотларни 02,
33-71-47, 56-99-10 номерли
телефонлар орқали хабар
қилишингизни сўраймиз.

Г. БОЛТАБОВЕВ,
Ўзбекистон ССР Ички иш-
лар министрлигини матбуот
маркази ходими, милиция
капитани.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ

ДЎСТЛИГИ САРОИИДА

17, 18, 19 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА

«СЕВГИ ТАРОНАЛАРИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

лирик хонандлар: АБДУРАУФ ОДИМОВ (Ленинбод),
МАХМУДЖОН АЗИМОВ, ҚОДИР МИРАШУРОВ,
БАХТИЕР ХОЛХУЖАЕВ;

1 Бутуниттифоқ «Янги овозлар» эстрада конкурснинг
лауреати

ЮЛДУЗ УСМОНОВА

РАҚҚОСАЛАР: Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзе-
кистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати

ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар: Зияда
МАДРАҲИМОВА, Ўғиллой МУҲАМЕДОВА, Гулчеҳра
ФОЗИЛЖОНОВА;

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист, Ўзбеки-
стон Ленин комсомол мукофотининг лауреати ОДИЛ КА-
МОЛХУЖАЕВ.

ПРОГРАММАНИ ОЛИБ БОРАДИЛАР: IV аския ва
қизқичлар конкурснинг лауреати ОБИД АСОМОВ ва
БОТИР МУҲАММАДУЖАЕВ.

Поетановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат
кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Дав-
лат мукофотининг лауреати АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қориев номидаги ўбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ

ДЎСТЛИГИ САРОИИДА

15 ВА 16 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА

«ЕШ ИЖРОЧИЛАР САНЪАТИ»

туркумидан

ЎҚТАМ АҲМЕДОВ ИШТИРОКИДА

концерт

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассалари-
да соат 14.00 дан бошлаб сотилмоқда.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш

бошқармасининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

қабул эълон қилади

Трамвай ҳайдовчилар учун ўқш муддати — 5 ой,
ўқишга кирувчиларнинг ёши 20 дан кам бўлмаслиги шарт.
троллейбус ҳайдовчилар учун ўқш муддати 6 ой,
ўқишга кирувчиларнинг ёши 21 дан кам бўлмаслиги шарт.
Ойига 70 сўм стипендия тўланади.
Курсларга қабул қилинганлар трамвай ва троллей-
бусларда бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.
Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

Қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

- 1-трамвай депоси — Гайдар кўчаси, 50 уй.
- 2-трамвай депоси — Г. Ғулом кўчаси, 57-уй.
- «Красноосточное» депоси — Красноосточная кўчаси, 3 «а» уй.
- 1-троллейбус депоси — Т. Шевченко кўчаси, 28-уй.
- 2-троллейбус депоси — Пионер кўчаси, 4-уй.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бош-
қармасининг ўқув комбинати — Новий путь кўчаси,
180 «а» уй.

Машғулотлар — гушларнинг комплекташувига қа-
раб бошланади.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

«ҚИЗИЛ ТОНГ» тикувчилик ишлаб чиқариш

бирлашмаси қошидаги

48-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989-90 ўқув йили учун

қабул эълон қилади

Ўқашга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг
пойтахта яқин районларида яшовчи, 8-10-синф ҳажмида
маълумотта эга бўлган қизлар қабул қилинади.

Билим юрти хотин-қизлар, эркаклар ва болалар устки
кийимларини тикши бўйича тикувчи-мотористкалар тай-
ёрлайди.

8-синф ҳажмида маълумотта эга бўлган қизлар 3 йил
ўқийдилар ва бепул оқват, кийим-бош билан таъминлана-
дилар.

Ўқиниш битирганларидан сўнг улар ўрта маълумот
ва касб эгаллаганликлари ҳақида диплом оладилар.

Ўрта маълумотта эга бўлган қизлар 1 йил ўқийди-
лар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдориди стипендия билан
таъминланадилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даври-
да ишлаб топган иш ҳақларининг 50 процентини олади-
лар.

Ўқш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
Билим юртида ўқувчилар Индира Ганди номидаги
маданият саройида бадиий ҳаваскорлик ва бошқа истаган
туғарак, спорт секцияларида иштирок этишлари мумкин.
Ўқувчилар санаторий-профилакторий ҳамда корхона ме-
дицина хизматидан тўла фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади-
лар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни
топиришлари лозим: билим юрти директори номига
ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), ту-
вар жойдан справка, ота-онасининг иш жойидан справка,
медицина справкиси, 3х4 сантиметр ҳажмидаги 4 дона фо-
тосурат, характеристика, таржimai ҳоли.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт
шаҳсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, Че-
хов кўчаси, 5 «А» уй. Телефон: 33-19-24 (2, 3, 25, 60 э,
71, 80-автотеллар; 1, 2, 5, 9, 10, 24,